



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХУСУСИЙ БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлашда банклар капитали етарлилигининг аҳамияти асослаб берилган ҳамда ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўриб чиқилган. Шунингдек, халқаро банк амалиётида капитал етарлилиги стандартларининг шаклланиши, жумладан Базель келишувлари доирасида регулятив капитал тушунчасининг мазмуни ёритилган. Мақолада хусусий тижорат банкларининг устав капитали ва жами капитали динамикаси таҳлил қилиниб, капиталлашув даражасини оширишда мавжуд муаммолар аниқланган. Тадқиқот натижалари асосида хусусий банклар устав капиталини ошириш, акциялар жозибadorлигини кучайтириш ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлашга қаратилган амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, капиталлашув даражаси, устав капитали, регулятив капитал, молиявий барқарорлик, банк тизими, хусусий банклар, инвестицион жозибadorлик, акциялар, банк ислоҳотлари.

Мамлакат тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг



капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган асосий вазифалардан бири сифатида 2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдorigа нисбатан талаб тижорат банклари учун 100 млрд. сўм қилиб белгиланди [2]. Мазкур вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони билан 2025 йилга қадар банklar устав капиталининг энг кам миқдорини 500 млрд сўмгача босқичма-босқич ошириш белгиланган[3]. Айни вақтда, республикамиз тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш мақсадида ечимини топиш лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд.


1988 йилда Халқаро Базель қўмитаси томонидан банк капитали етарлигигига доир келишув (Базель I) ишлаб чиқилди ва унда капитал етарлигигини ҳисоблаш мақсадида регулятив капитал (умумий капитал) тушунчаси амалиётга жорий қилинди. Регулятив капитал асосий ва қўшимча капиталдан ташкил топиб, банк фаолиятини бошқариш ва иқтисодий меъёрларнинг ҳисоб-китобини ўтказиш мақсадида ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган банк капиталидир.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, банklarнинг капитали экзоген шоклардан сўнг, кредитлар, қарз мажбуриятлари ва дивиденд тўлашдан, уларнинг сармоя нисбатларини таъмирлаш ва ликвидлик позицияларини кучайтирадиган ҳаракатларидан узоқлашади. Бундан эса, капиталнинг



минимал чекланиши табиий равишда банклардаги ликвидлик рискени камайтиради ва бу банкларни Базель III ликвидлиги стандартларидан озод қилишни оқлаяпти[4].

Республикамиз амалиётида йиллар давомида тижорат банклари ресурс базасининг мустаҳкамланиб бориши кузатилмоқда. Бунда албатта, банкларнинг регулятив капиталининг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Республикамиз хусусий банклари регулятив капитали охириги йилларда сезиларли суръатларда ўсди. Бу эса, мамлакатимиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш сиёсатини олиб борилаётганлиги билан изоҳланади. Умумий ҳолда, республикамиз хусусий банкларининг жами капитали динамикасини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



1-расм. Республикамиз хусусий банклар жами капитали динамикаси (йил бошига млрд.сўмда) [5]

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикамиз хусусий банклари жами капитали сўнгги беш йилда 488,9 фоизга ошган. Биргина 2022 йилда банкнинг жами капитали 2021 йилга нисбатан 1,2 баробаридан кўпроқ ўсиб 4442 млрд.сўмни ташкил этди. Бу эса хусусий банклар раҳбариятининг капиталлашув даражасига алоҳида эътибор берилаётганлигини, банк тизимида содир бўлиши мумкин бўлган рисклар оқибатида юзага келувчи йўқотишларни қоплашга етарли бўладиган маблағлар ўз вақтида йўналтирлаётганлигидан



далолат беради.

Умуман, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади [6]. Бизга маълумки, тижорат банкларнинг капиталлашув даражасини оширишнинг асосий йўлларида бири - бу банк устав капиталини оширишдир [7,8,9]. Республикамизда кейинги йилларда тижорат банклари устав капитали оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айнан хусусий банкларда бу масалага эътибор бошқача. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Хусусий банкларнинг жами устав капитали миқдори (млрд.сўм) [5]

№	Банклар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўсиши	
							(+;-)	%
1	ХАБ "Трастбанк"	162	227	362	362	562	400	246,9
2	ХАТБ "Orient Finans"	402,6	562,2	768,5	903,4	1105,8	703,2	174,7
3	ХАТБ "Давр- банк"	100	163	170	343,5	400	300	300,0
4	ХАТБ "Ravnaq- bank"	100	100	100	100	100	0	0,0
Жами		764,6	1052,2	1400,5	1708,9	2167,8	1403,2	721,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хусусий банкларимизнинг устав капиталини 2022 йилда 4 та тижорат банкнинг жами устав капитали миқдори 2167,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан



1,9 барабарга ошган. Бу албатта ижобий ҳолат бўлсада ХАТБ “RAVNAQ-BANK”нинг охириги 5 йилда устав капитали 100 млрд.сўмни ташкил этганлиги, йиллар давомида оширишга банк томонидан ҳаракат қилинмаганлигини тўғри деб бўлмайди. Сабаби 2023 йил 1 сентябрдан барча банклар устав капиталини энг кам миқдори 200 млрд.сўмни ташкил этилиш қонунчилик билан белгиланмоқда[10].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хусусий банклари ўзларининг устав капиталини ошириш имкониятларини излаб топишлари керак. Акс ҳолда, тижорат банклари фаолиятини давом эттиришини сўроқ остида қолдиради.

Бундан кўринадики, хусусий банкларимиз олти ой ичида устав капиталини миқдорини кескин оширишлари керак. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан чиқариладиган акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Банклар томонидан таклиф этилаётган дивидендларнинг ўртача йиллик ставкаси банклардаги депозит ставкалари билан деярли бир хил, бундан ташқари улар ўзгарувчан бўлиб, банк фаолияти билан боғлиқ муаммолар натижасида дивидендлар миқдори камайиб кетиши мумкин. Яна хусусий банкларнинг капитали таркибида бўлган эмиссион даромадлар деярли сезилмайдиган даражада. Бу ҳолат банкларимиз акциялари қимматбаҳо қоғозлар бозорида деярли номинал баҳоси миқдорида сотилади. Уларнинг бозор (реал) баҳосига таъсир этувчи омиллар йўқлигича қолмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Давлат томонидан молиявий имтиёзлар қўллаш орқали тижорат банклар айниқса, хусусий банклар акцияларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш ва шунинг асосида банклар устав капиталини 2025 йил 1 январигача устав капиталининг минимал миқдорларини белгиланган талаблар даражасига келтирилишига эришиш зарур.

Ушбу ўринда молиявий имтиёзлар деганда инвесторларнинг тижорат



банкларининг оддий акцияларидан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш ва муаммоли кредитлар бўйича гаровга олинган мулкларни мулк солиғига тортмаслик каби имтиёзлар кўзда тутилмоқда.

2. Хусусий банклар томонидан жорий йилда олинадиган соф фойдасини асосий қисмини устав капитални оширишга йўналтиришлари керак.

Умумий олганда, хусусий банклар 2025 йилнинг 1 январигача устав капиталнинг минимал миқдорларини белгиланган талаблар даражасига етказишмаса, ўз фаолиятини тўхтатиши ёки бошқа банкка қўшилиши мумкин. Бунинг натижаси албатта, банк тизимиغا салбий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. -Т., 2017. -№ 6. -32-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори - Тошкент, 2017. - № 37. - 27-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5992-сонли "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ- Фармони, 2020 йил 12 май
4. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон 2002. с 240
5. <http://www.cbu.uz> -Ўзбекистон Республикаси Марказий банк расмий сайти маълумотлари
6. Kurbanov, R. B., & Khudoyberganova, Z. Z. (2018). Matters of the



increasement of private banks' capitalization level. Экономика и бизнес: теория и практика, (6), 103-105.

7. Qurbonov, R. (2019) "Theoretical and practical aspects of the formation of private banks' resource base," International Finance and Accounting: Vol. 2019: Iss. 5, Article 7.

8. Bakhtiyarovich, K. R. (2020). Analysis of Financial Performance of Private Banks in Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05).

9. Kurbanov, R. B. (2021). Improving the organization of the resource base of private banks of the republic of Uzbekistan. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 10(5), 41-45.

10. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 5 ноябрь "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-580-сонли қонуни